

# АБУ НАСР ФОРОБИЙ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

## ХАҚИДА

*Уралова Одина Равшановна,*

*Жиззах давлат педагогика институти*

*Умумий педагогика кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация:**Мақолада фалсафа, мантиқ, таълим-тарбия таълимотида муҳим ўрин тутувчи аллома Абу Наср Форобий меросининг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган юксак маънавий-ахлоқий ғояларнинг дидактик аҳамияти мавжуд манбалар асосида таҳлилий ёритилган. Бугунги педагогик жараёнларда улардан фойдаланиш муҳим ижтимоий зарурат сифатида талқин қилинган.

**Калит сўзлар:** билиш, таълимот, ўқув жараёни, маънавий-ахлоқий ғоялар, инсоний хислатлар, тарбия мазмуни, тарбия усуллари, методик таъминот.

Жамият ижтимоий-маънавий ҳаётини ривожлантириш, шахс руҳий камолотини таъминлаш инсониятнинг азалий мақсади, эзгу-интилишлари мажмуи саналади. Илм-фан, маърифат пешволари, тараққиёт тарафдорлари фаолиятининг асосий йўналиши айни шу масалаларни қамраб олганлиги билан характерлидир.

Хусусан, буюк Шарқ мутафаккирлари бутун ҳаётида давомида олиб борган илмий, ижодий, амалий фаолияти қайси соҳа ёки йўналишда бўлмасин, бирламчи мақсади инсон руҳий-маънавий камолотини юксалтириш, шу орқали бутун жамиятни соғломлаштириш, ривожлантириш, тараққиётнинг янги-янги чўққиларини забт этишдан иборат бўлган. Қомусий илм соҳиблари бор истеъдод ва имкониятларини ушбу масадларга эришиш йўлида сарфлаганлар. Буни биз Ибн Сино, Беруний, Хоразмий, Форобий, Румий, Рудакий Фарғоний каби улуғ алломалар фаолиятида ҳам кенг кузатамиз.

Бинобарин, ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш назарияси билан

амалиётнинг қандай тараққий қилиб келганлигини билмай туриб, ёшларни ҳар томонлама комил инсон этиб тарбиялаш масалаларини илмий равишда ҳал қилиб бўлмайди. Бу аждодларимиз томонидан исбот қилинган илмий-назарий, фалсафий-тарбиявий ҳақиқатдир. Ахлоқан пок ва етук инсонларни тарбиялаш масаласини мувафақиятли ҳал этишда халқимизнинг тарихий анъаналари, маънавий бойликлари, аждодларимизнинг бизга қолдирган илмий меърослари ва тарихий-тарбиявий тажрибаларини ўрганиб чиқиш, уларнинг ютуқларини ҳаётга, таълим-тарбия ишларига татбиқ этишнинг аҳамияти каттадир.

Баркамол авлод тарбияси ижтимоий ҳодиса бўлиб, шахснинг шаклланишини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий қадрият, инсон ва жамиятнинг мавжудлигини белгиловчи асосий мезон сифатида авлоддан-авлодга ўтиб бораверади. Жумладан, бутун жаҳонга Аристотелдан кейин “Иккинчи муаллим” номи билан шуҳрат қозонган Абу Наср Форобийнинг бой илмий-фалсафий, маънавий-тарбиявий мероси бу борада алоҳида қимматга эга. Алломанинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид таълимотидан бугунги кунда умумий ўрта ва олий таълим тизимидаги ўқитиш жараёнларида фойдаланиш ниҳоятда самарадор аҳамиятга молик.

Абу Наср Форобий изланишларининг асосий йўналиши инсоннинг тузилишини, руҳиятини, моддий ва маънавий оламини ўрганиш қамраб олади. Форобий етук файласуф сифатида руҳий жараёнларни инсоннинг ақлий, ахлоқий, маънавий ривожига боғлиқ ҳолда ўрганишга ва талқин этишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам у ўз асарларида сезгилар ва ақлий билиш фикрлаш каби жараёнларга жуда катта эътибор беради ва улар ҳақида бошқа руҳий жараёнлар, масалан, хотира, тасаввур, диққат, ҳис-туйғу, ирода, қобилият, малака каби шахсий хислатларни билиш жараёни билан боғлиқ ҳолда сўз юритади.

Маълумки, инсонга хос бўлган ва унинг маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этувчи таффақкур ва нутқнинг ривожланиши таълим-тарбиянинг асосини ташкил қилувчи муҳим жараён саналади. Форобий инсон таффақури ва нутқининг фазилатларини чуқур ўргангани, грамматика ва

мантиқ фанининг ривожига, унинг айрим масалаларини таҳлил этишга, жуда катта эътибор беради. У Аристотелнинг мантиққа оид барча асарларини чуқур ўрганади ҳамда уларга шарҳлар ёзади ва мантиқнинг турли бўлимлари: тушунча, ҳукм, дидуксия, исботлаш кабиларга бағишланган рисолалар ёзиб, қолдиради. Олимнинг руҳият ва мантиққа оид фикрлари таълим-тарбия соҳасидаги таълимотнинг табиий, илмий, назарий асослари бўлиб хизмат қилади.

Комил маънавият ва ахлоқ, инсон тарбияси масаласи Қадимги Шарқда Фарбада, хусусан, Қадимги Юнонистонда ҳар доим мутафаккир олимларнинг диққат марказида бўлиб келганлиги тўғрисида бир қанча қимматли манбалар мавжуд. Шу жиҳатдан, Форобий Қадимги Юнонистон файласуф олимларининг меросини ўрганар экан Аристотель, Платон, Сукрот, Пифагор каби мутафаккирлар асарлари билан яқиндан танишиб, уларга шарҳлар ёзади. Ўзлаштирган билимларига таянган ҳолда таълим-тарбия жараёнларида инсоннинг маънавий юксалиши энг асосий ва бирламчи мақсад бўлиши керак, деган ғояни илгари суради.

Форобий талқинича, инсон дунё тарақиётининг энг мукамал ва етук яқуни. Шу сабаб у ўз илмий-амалий фаолияти давомида яратган асарларида инсонга тарбия ва таълим бериш зарурияти ва бунинг учун нимага асосланиш лозимлиги, таълим-тарбия усуллари, ундан қутилган мақсад масалаларига ечим кўрсатишга асосий эътибор қаратади. Хусусан, унинг “Фозил одамлар шаҳри”, “Бахт саодатга эришув ҳақида”, “Ихсо ал улум”, “Ақл маънолари ҳақида” номли, шунингдек, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар кенг тадқиқу-тарғиб этилган асарларида бу каби муаммолар атрофлича таҳлил қилинади, муҳим тавсиялар илгари сурилади. Жумладан, аллома “Бахт саодатга эришув ҳақида” номли рисоласида билим моҳияти, мазмуни, уларни ўрганиш ткетма-кетлигини бирма бир санаб ўтади. Олимнинг таъкидича “Билиш зарур бўлган илм бу олам асослари ҳақидаги илмдир. Уни ўргангач, табиий илмларни, табиий жисмлар тузилишини, шаклини, осмон ҳақидаги илмларни ўрганиш лозим. Ундан сўнг, умуман, жонли табиат ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги илм ўрганилади”. “Бундан

кейин- деб давом этади Форобий, - инсонни ўрганишга киришамиз ҳамда инсоннинг билишидан кутилган мақсад-муддаони ўрганамиз ва шунинг натижасида нима, қандай нарса эканлигини билиб оламиз. Шундан сўнг биз инсоннинг ҳозирги камолотига эришуви сабаб бўлган нарсаларни ўргана бошлаймиз. Бу нарсалар эса хайр-эҳсонли ишлар, гўзал инсоний фазилатлар бўлиб, ушбу фазилатларни, инсонни камолотга эришувидан маҳрум қиладиган салбий хислатларни ажратиб ўтамиз. Бу салбий хислатлар, ёмон одатлар хатти-ҳаракатларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишдан аввал шу хулқ-атвор хатти-ҳаракатнинг ўзи билан танишиб чиқамиз. Бу илм шундай нарсалар ўргатувчи илмки, унинг ёрдамида шаҳар халқлари ва шаҳарлик бўлмаган халқларни ўз ичига олган яъни инсон оламига хос бўлган барча хислатларни ўзида умумлаштирган одамзод жисмга ҳар турли аъзолар каби кишига маълум бўлади”.

Инсон маънавий ахлоқи тўғрисидаги таълимот – этика Форобийнинг ижтимоий таълимотида энг муҳим ва асосий ўринлардан бирини эгалайди. Форобий ахлоқ тўғрисидаги илмини анъанага асосланибгина белгиламайди. Субъектив равишда келиб чиқишни кўрсатади ва уни келтириб, чиқарган омиллар яъни инсоннинг ижтимоий моҳиятини ҳам асослашга ҳаракат қилади, инсонга билим ва тарбия бериш ижтимоий зарурат эканлигини назарий асослайди. У инсон “ақлли мавжудот” дейилганда, унинг ақлли бўлишига лаёқатлилиги, лекин ёмон хатти-ҳаракатларга ҳам қобиллиги тушунилишини ҳам уқтириб ўтади.

Аллома таълимотига кўра, таълим-тарбия жараёнида назарий билим билан амалий ҳаракат ва одат-малака, фаолият бирлашиб боради, етуклик шу бирлашувнинг даражасига қараб юзага келади. Форобий таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчи ёки таълим олувчи шахсга яқка холда ёндашувни, унинг табиий, руҳий ва жисмоний хислатларини назарга олиш зарурлигини таъкидлаб шундай дейди: “Бу барча табиий хислатларни олий камолот сари ёки камолотга яқин бўлган даражага кўтаришга хизмат қилувчи восита ёрдамида тарбиялашга муҳтождир. Инсонлар турли илм, хунар фаолиятга мойиллиги ва қобилиятлилиги билан табиатан фарқланадилар.

Тенг табиий хислатларга эга бўлган одамлар эса, ўз тарбияси ( малакалари) билан тафовут қилади. Тарбияси жиҳатидан тенг бўлганлар эса, бу тарбия натижаларининг турличалиги билан бир-бири билан фарқ қиладилар”. Тарбия жараёни, Форобийнинг фикрича, тажрибали педагог ўқитувчи томонидан ташкил этилиши, бошқарилиб турилиши ва маълум мақсадларга йўналтирилиши лозим, чунки “ҳар бир одам ҳам бахтни ва нарса ҳодисаларни ўзича била олмайди. Унга бунинг учун ўқитувчи лозим”.

Форобий инсонга хос бўлган ва унинг маънавий юксалишида муҳим аҳамият касб этувчи, тафаккур ва нутқнинг ривожланишини таълим-тарбиянинг асосини ташкил этувчи муҳим жараён ҳисоблайди. Олим болаларнинг феъл-атвориغا караб тарбия жараёнида “қаттиқ” ёки “юмшоқ” усуллардан фойдаланиш керак, деб ҳисоблайди: “тарбияланувчилар ўқиш ва ўрганишга мойил бўлса, таълим-тарбия жараёнида юмшоқ усул қўлланилади; тарбияланувчилар ўзбошимча, итоатсиз бўлишса, қаттиқ усул қўлланиши лозим”. Алломанинг ахлоқий-таълимий ғоялари, аввало, буюк яратувчи – Оллоҳни билишга, инсоният яратган илму билимларни ўзлаштиришга қаратилган, таълим-тарбия жараёнининг муҳим восита ва усулларини асослаб берган.

Форобий инсоннинг маънавий ҳаётида асосан, унинг икки томонига: ақли-онгига ва ахлоқига (хулқ-атвориغا) катта эътибор беради. Шунинг учун аллома фикрича, таълим-тарбия, инсонни ақлий томондан ҳам, ахлоқий томондан ҳам етук, мукамал киши қилиб етиштиришига қаратилмоғи лозим. Демак, таълим-тарбиянинг бирдан-бир вазифаси – жамият талабларига тўла тўқис жавоб бера оладиган ва уни бир бутунликда, тинчликда, фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган идеал инсон тайёрлашдир. Форобий таълим-тарбия жараёнини йўлга қўйиш, уни бошлашдан аввал одамларнинг шахсий хислатларини билиш лозимлигини айтади. Унинг фикрича, инсонинг хоҳиш, ихтиёр, ирода, яхшилик ва ёмонлик каби хислатларини, нимага қобилияти борлигини аниқламай туриб ишга киришиш кутилган натижани бермайди.

Форобий ўз маънавий-ахлоқий таълимотида инсоний хислат-фазилатларни тўртга бўлади: назарий фазилатлар, тафаккур, яралма фазилатлар, амалий санъат фазилати (касб-ҳунар). “Бахт-саодатга эришув ҳақида”ги рисоласида мутафаккир инсон гўзалликни самарали идрок этиши учун унда нозик табиат ва ақлий мукамаллик замини бўлиши керак, ҳиссий ва ақлий қобилятга эга бўлган инсонгина дунёнинг барча сирларини била олиши мумкин, деб таъкидлайди. “Инсон ақл-идроки туфайли ҳақиқий инсонга айланади, билим инсонга бахт ва шодлик келтиради, инсон билиш орқали ўзида гўзаллик ва мукамалликни кашф этади”,- деб уқтиради. Форобий инсонларни илм билан, санъат билан шуғулланишга даъват этади ва шу туфайли гўзал нарсалар моҳиятини идрок этиш теранлашади, деб кўрсатади.

Форобий фикрича, шахсни камол топтириш жараёни инсон ўз ҳаёти давомида илм-ҳунар ўрганиши, ахлоқий нормаларни эгаллаши ва санъатни ҳаётий тажриба билан бойитиши орқали содир бўлади. Инсоний фазилатлар инсон атрофини қуршаган муҳит таъсирида шаклланади. “Камолотга бир кишининг ёлғиз эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсон, ҳар қандай камолотга эришувда бошқаларнинг кўмагига ва улар билан бирлашишга муҳтож ёки мажбурдир”,- дейди мутафаккир.

Форобий ахлоқ тушунчасини кенг маънода талқин қилар экан, бутун инсонларни, уларнинг дини, эътиқоди, ирки, тилидан қатъий назар, ҳамжихатлик ва ҳамкорликка чақиради. Дунёда бир бутун ягона инсон жамоасини шакллантиришни ва барча фуқароларнинг манфаатларини бирдек кўзлаб фаолият кўрсата олишини орзу қилади. Ўз даврида ажойиб орзу-истаклар ва ғояларни илгари сурган Форобийнинг дунёда ягона жамият барпо қилиш тўғрисидаги фикрлари ҳам кейинчалик дунёнинг жуда кўп мутафаккирлари, жумладан, немис файласуфи И.Кант томонидан ҳам илгари сурилган эди. Форобий илгари сурган, шунингдек, дунё олимлари томонидан ҳам мақсадга мувофиқ деб топилган “дунёда ягона фуқаролик жамияти”ни таркиб топтириш ҳақидаги ғоялари бугунги кунда нинҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Аллома фикрича, юксак ахлоқий фазилатларга риоя қилган

холда ривожланаётган ҳар қандай давлат ўз фуқароларини, шак-шубҳасиз, бахт-саодат йўлига олиб чиқувчи кучли қуролдир. Инсон билим ва намунали ахлоқ эгаси бўлгандагина яхши одат ва ҳаракатларни ўзида мужассамлаштира олади, у ҳар қандай ёвуз бузғунчиликлар кўчасига кирмайди, аксинча, уларга нисбатан шафқатсиз жанг олиб боради.

Фалсафа ва мантиқ, инсоншунослик, жамиятшунослик илмининг бу буюк билимдони томонидан илгари сурилган маънавий-ахлоқий тарбия, ўқитишга доир илғор ғоялари ўзидан кейинги уламолар, педагогларнинг таълим-тарбия ва инсон камолоти хусусидаги фикр-мулоҳазалари ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Мутафаккирнинг ахлоқ ва унинг асосида ёш авлодга тарбия бериш таълимоти ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, аксинча, ахлоқий тарбиянинг янги усул ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва уларни ривожлантиришда жуда катта аҳамият касб этиб келмоқда. Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнларини тўғри ва тизимли йўлга қўйиш, илмий-методик таъминотини такомиллаштиришда муҳим манба вазифасини ўтаб қолмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Зуннунов А. Педагогика тарихи. // Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2004.
2. Форобий А.Н.. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: “Халқ мероси”, 1993.
3. Форобий А.Н. Рисолалар. –Т.: “Фан”, 1995.
4. Жалилов З. Шарқ мутафаккирлари меросини ўрганишнинг дидактик методлари. //Замонавий таълим. –Т., 2017, №5, 38-43- б.
5. Mahmudhoja Behbudi On The Role Of Science And Enlightenment In Educating Young People PSYCHOLOGY AND EDUCATION (2021) 58(2): 11507-11510 ISSN: 0033307711507-11510 бетлар M.N.Soibnazarova, O.A.Ganiev, M.A.Tayirov Teachers of Jizzakh State Pedagogical Institute named after A.Kadiri
6. Шеранова М.Б. The Importance of Interactive Methods in Education. International Journal of Advanced Science and Technology Vol. 29, No. 7, (2020), pp. 11771 – 11775 ISSN: 2005-4238 IJAST Copyright © 2020 SERSC (Scopus)
7. Шеранова Марям. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини маънавият тарғиботига тайёрлашда ахборот технологияларидан фойдаланиш. 793-795 б. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар конференция материаллари №18.31 июль Тошкент -2020 й..“Ўзбекистонда илмий-амалий

тадқиқотлар” мавзусидаги Республика 18- куп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари 10-қисм.

8. O'ralova, O. (2021). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ. Zamonaviy ta'limda Pedagogika Va Psixologiya Fanlari, (1). Retrieved from <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1529>

9.